



Tadqiqot.uz



ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



2022

IYUL

№42



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.



+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00



www.taqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
1-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-1**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-1**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 42-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 июль 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 20 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохигда Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдор.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Xudoynazarov Dadaxon Avaz o‘g‘li	
IQTISODIY PROTSESSDA TARJIMON ISHTIROKI: XORIJU	
DAVLATLAR MISOLIDA	7
2. Нурумбетова Садоқат Аллаяровна	
КОМПЬЮТЕР ТАРМОҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА СОДИР ЭТИЛГАН	
ЭКСТРЕМИСТИК ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖАМИЯТГА КИРИБ КЕЛИШИ.	10
3. Сардоржон Рахмонов	
ДАВLAT ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ ЎТАШНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ.....	12
4. Урманбаева Ферузаҳон Саттаровна	
ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ХУСУСИЙ-ҲУҚУҚИЙ	
ТАВСИФИ	17



ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

IQTISODIY PROTSESSDA TARJIMON ISHTIROKI: XORIJY DAVLATLAR MISOLIDA

Xudoynazarov Dadaxon Avaz o‘g‘li

Toshkent davlat yuridik universiteti

tayanch doktoranti

+99897-756-93-31

E-mail: dadaxon.xudoynazarov92@mail.ru

Annotatsiya: mazkur maqolada sudsarda tarjimonlik faoliyatining xususiyatlari, tarjimon faoliyatining huquqiy asoslari, tarjimon uchun zarur talablar, tarjima usullari, tarjimaning til prinsiplari bo‘yicha amalga oshirilishi, Tarjimonlar byurosi faoliyati, tarjimonlar bajargan ishlari uchun haq olish tartibi, milliy va xorijiy tajriba, yakuni bo‘yicha fikr va mulohzalar o’rin olgan.

Kalit so’zlar: tarjima, tarjimon, Tarjimonlar byurosi, haq olish, rad qilish, sinxron.

Mamlakatning iqtisodiy, ijtimoiy va ekologik manfaatlarini hisobga olgan holda respublika iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalarni jalg etish, xorijiy investorlar uchun qulay shart-sharoitlar yaratish, ularni huquqiy va boshqa tomondan qo‘llab-quvvatlash, shuningdek respublikaning iqtisodiy, resurs va investitsion salohiyatini oshirish, investitsiya muhitini takomillashtirish, mamlakat iqtisodiyoti tarmoqlari va hududlariga xorijiy, eng avvalo, to‘g’ridan-to‘g’ri xorijiy investitsiyalarni faol jalg qilish, barcha sohalarda ichki imkoniyat va rezervlarni ishga solish, yangi texnika va texnologiya, eksportbop tovarlarni o’zlashtirish, ularni ishlab chiqarishni yo’lga qo‘yish orqali davlatimiz iqtisodiy qudratini ta’minlash bugungi kunda muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Eng asosiysi, xorijiy investorlar uchun qulay huquqiy va qonuniy makonni yaratishdan iborat. Aynan xorijiy investorlar huquqi ta’minlanadigan davlatga o‘z sarmoyasini olib kiradi. Ularning huquq va manfaatlari esa himoya qilish sudlar orqali amalga oshirilmoqda. Sud himoyasida bo‘lish huquqi tobora yuksalib bormoqda. Har bir tadbirdorlik subyekti (xorijiy investor) ham sud himoyasida bo‘lish huquqiga ega hisoblanadi.

Shundan kelib chiqadigan bo‘lsak, bugungi kunda kun sayin tadbirdorlik subyekt (xorijiy investor)lar soni ortib borishi natijasida ular o‘rtasidagi nizolar ham ko‘payib bormoqda. Bunday nizolar esa iqtisodiy sudlar tomonidan hal qilinib kelinmoqda. Iqtisodiy protsessda tadbirdorlik subyekt (xorijiy investor)larining huquq va manfaatlarini ta’minlash va ularga sud jarayonida ko‘maklashish maqsadida tarjimon ishtirokidan foydalanish imkoniyatini yaratib berishi zarur hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 4-moddasi [1] va “Davlat tili haqida”gi Qonunning 1-moddasi [2] ga binoan O‘zbekiston Respublikasining davlat tili o‘zbek tilidir deb belgilab qo‘yilgan. Ushbu qonunning 11-moddasida sudlov ishlarni yuritish davlat tilida yoki o‘sha joydagi ko‘pchilik aholi tilida olib borilishi va ishda ishtirok etayotgan, sud ishlari yuritilayotgan tilni bilmaydigan shaxslarga tarjimon orqali ishga oid materiallar bilan tanishish, sud jarayonida ishtirok etish huquqi hamda sudda ona tilida so‘zlash huquqi ta’minlanishi nazarda tutilgan. Bundan tashqari tarjimon ishtirokidan foydalanish borasidagi normalar “Sudlar to‘g’risida”gi Qonunda ham belgilangan.

Unga ko‘ra O‘zbekiston Respublikasida sud ishlarni yuritish o‘zbek tilida [3], qoraqalpoq tilida yoki muayyan joydagi ko‘pchilik aholi so‘zlashadigan tilda olib borilishi va sud ishlari yuritilayotgan tilni bilmaydigan ishda ishtirok etuvchi shaxslarga tarjimon orqali ish materiallari bilan to‘la tanishish, sud harakatlarida ishtirok etish huquqi va sudda ona tilida yoki ular biladigan boshqa tilda so‘zlash huquqi ta’minlash lozim ekanligi belgilab qo‘yilgan. Demak, ushbu normalardan ko‘rinib turibdiki, sud ishlarni yuritishda tilni bilmaydigan shaxs (xorijiy investor) lar tarjimon orqali ishtirok etishi belgilangan. Shuningdek, suddagi ish materiallari bilan tanishish



va sudda ishtirok etish ham tarjimon bilan qatnashish huquqiga ega ekanligini belgilab beradi.

Yana bir muhim qoidaga to‘xtaladigan bo‘lsak, Iqtisodiy protsessual kodeksning 10-moddasi [4] ga binoan sud muhokamasi jarayonida qabul qilinadigan sud hujjatlari sud majlisi qaysi tilda o‘tkazilgan bo‘lsa, o‘sha tilda tuzilishi belgilangandir. Bugungi kunda tarjimon bo‘lish uchun talablar qo‘yilmagan. Lekin, tarjimon tushunchasiga ozmi-ko‘pmi to‘xtalib o‘tgan. Iqtisodiy protsessual kodeksga binoan tarjimon – tarjima qilish uchun zarur tillarni biladigan sud tomonidan tayinlangan shaxs tarjimondir. Iqtisodiy sud ishlarini yuritishning boshqa ishtirokchilari, garchi tarjima qilish uchun zarur tillarni bilsa ham tarjimon vazifalarini o‘z zimmasiga olishga haqli emas. Demak, bundan ko‘rinadiki, agar suddagi ishtirokchilar tillarni to‘liq bilsa ham tarjimon bo‘lib ishtirok etolmasligi belgilangan. Maxsus bilim va tajribaga ega tarjima faoliyatini bilan muntazam shug‘ullanib kelayotgan yoki bu bo‘yicha mutaxassislikka ega bo‘lganlar ishtirok etishi nazarda tutilgan. Tarjimon muomala layoqatiga ega bo‘lgan, 18 yoshga to‘lgan va tarjima qilish uchun yetarli bilimga ega bo‘lgan shaxs bo‘lishi mumkin.

Hozirgi kunda tarjimonlik xizmatlari va O‘zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligi huzuridagi Tarjimonlar byurosi tashkil qilinib[5], faoliyat olib bormoqda. Demak, suda uchun tarjimon zarur bo‘lsa ushbu belgilangan joylardan jalb qilishi mumkin bo‘ladi.

Rossiya Federatsiyasi tajribasi: Rossiya Federatsiyasining Arbitraj protesseual kodeksiga binoan tarjimon sud muhokamasi jarayonida tarjima qilish uchun zarur bo‘lgan tilni mukammal biladigan, arbitraj sudi tomonidan arbitraj muhokamaga jalb qilingan shaxs tarjimon hisoblanadi. Shuningdek, ishda ishtirok etuvchi shaxslar iqtisodiy sudiga tarjimon nomzodini taklif qilish huquqiga ega. Tarjimonni arbitraj muhokamasiga jalb etish to‘g‘risida arbitraj sudi ajrim chiqaradi. Mazkur qoidalar surdo-tarjimonlik malakasiga ega bo‘lgan va arbitraj sudi tomonidan arbitraj muhokamasida ishtirok etish uchun taklif qilingan shaxsga nisbatan qo‘llanilishi belgilangan.

Ushbu Rossiya Federatsiyasi tajribadan kelib chiqadigan bo‘lsak, O‘zbekiston Respublikasida iqtisodiy protsesual kodeksda quyidagilar aks etmagan. Jumladan, “*ishda ishtirok etuvchi shaxslar iqtisodiy sudiga tarjimon nomzodini taklif qilish huquqi*” [6], “*tarjimonni arbitraj muhokamasiga jalb etish to‘g‘risida arbitraj sudi ajrimi*”, “*surdo-tarjimonlik haqidagi*” normalar kiritilmagan.

Qozog’iston tajribasi: Qozog’iston Respublikasi Fuqarolik protsessual kodeksiga binoan iqtisodiy ishlar ushbu kodeks bilan ham tartibga solinishi va ishtirokchilar bitta kodeks bilan belgilangan. Mazkur kodeksda tarjimon ishtiroki keltirilgan. Unga ko‘ra tarjimon sifatida ish natijasidan manfaatdor bo‘lmagan, tarjima uchun zarur bo‘lgan tillarni biladigan shaxs qatnashishi belgilangan. tarjimonni tayinlash to‘g‘risida ajrimi chiqarishi, surdo-tarjimonlik haqidagi qoidalar belgilangan.

Qozog’iston Respublikasi tajribasidan kelib chiqadigan bo‘lsak, O‘zbekiston Respublikasida iqtisodiy protsesual kodeksda quyidagilar aks etmagan. Jumladan, “*ishda ishtirok etuvchi shaxs, shuningdek guvoh, ekspert, mutaxassis ish yuritilayotgan tilni bilmasa, shuningdek yozma hujjatlarni tarjima qilish lozim bo‘lsa, ko‘rilayotgan ishdan manfaatdor bo‘lmagan shaxs protsessual harakatlarda ishtirok etish uchun tarjimon sifatida ishga jalb qilinishi*” [7], “*tarjimonni tayinlash to‘g‘risida ajrimi chiqarishi*”, *tarjimon sifatida ishtirok etganligi munosabati bilan ishning holatlari va unga ma’lum bo‘lgan boshqa ma’lumotlar haqida ma’lumotni oshkor qilmaslik*”, “*surdo-tarjimonlik haqidagi*” kabi jumlalar berilmagan.

Fikrimiz so‘nggida xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, iqtisodiy protsessda tarjimon ishtirok etishi sudlar uchun ham ishda ishtirok etuvchi shaxslar uchun ham muhim ahamiyat kasb etadi. Tarjimon ishtirokini bugungi axborot asrida rivojlantrish va qonunchilikni xorijiy tajribadan kelib chiqib takomillashtirish lozim hisobalanadi.

Shundan kelib chiqib, xorijiy tajribani tahlil qilgan holda ishda ishtirok etuvchi shaxslar “*iqtisodiy sudiga tarjimon nomzodini taklif qilish huquqi, tarjimonni arbitraj muhokamasiga jalb etish to‘g‘risida arbitraj sudi ajrimi, surdo-tarjimonlik haqidagi qoidalarga ham tegishli, ishning natijasidan manfaatdor bo‘lmagan, tarjimon sifatida ishtirok etganligi munosabati bilan ishning holatlari va unga ma’lum bo‘lgan boshqa ma’lumotlar haqida ma’lumotni oshkor qilmaslik*” kabi jumlalar bilan iqtisodiy protsessual kodeksidagi tarjimonga oid moddalarga kiritish lozim bo‘ladi. Mazkur qo‘shimchalarni kiritish orqali qonunchilikdagi kamchiliklar to‘ldiriladi va tarjimonning iqtisodiy sudda ishitiroki bilan bog‘liq muammolarga yechim beriladi.



Foydalaniman adabiyotlar ro‘yxati

- 1) O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi (O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalarining Axborotnomasi, 2019-y., 2-son, 47-modda, Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 09.02.2021-y., 03/21/671/0093-son)
- 2) O‘zbekiston Respublikasi “Davlat tili haqida”gi Qonun (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017-y., 37-son, 978-modda; Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 21.04.2021-y., 03/21/683/0375-son).
- 3) O‘zbekiston Respublikasi “Sudlar to‘g‘risida”gi Qonun (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 29.07.2021-y., 03/21/703/0723-son).
- 4) O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiy protsessual kodeksi (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 21.04.2021-y., 03/21/683/0375-son, 26.08.2021-y., 03/21/711/0825-son, 17.09.2021-y., 03/21/716/0877-son)
- 5) Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации» от 24.07.2002 N 95-ФЗ (ред. от 01.07.2021, с изм. от 22.07.2021).
- 6) Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 10.01.2022 г.)
- 7) KhudoynazarovKhudoynazarov, D. “THE IMPLEMENTATION OF MODERN INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN THE ACTIVITIES OF COURTS IN THE ACTION STRATEGY DEVELOPMENT OF OUR COUNTRY: RESULTS AND PROSPECTS: THE IMPLEMENTATION OF MODERN INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN THE ACTIVITIES OF COURTS IN THE ACTION STRATEGY DEVELOPMENT OF OUR COUNTRY: RESULTS AND PROSPECTS”. TSUL Legal Report International Electronic Scientific Journal, vol. 2, no. 1, July 2021, pp. 101-8, <https://legalreport.tsul.uz/index.php/journal/article/view/50>.
- 8) Khudoynazarov Dadakhon Avaz. “Issues Of Introducing Digital Technologies Into The Activities Of Courts”. The American Journal of Political Science Law and Criminology, vol. 4, no. 01, Jan. 2022, pp. 1-6, doi:10.37547/tajpslc/Volume04Issue01-01.



КОМПЬЮТЕР ТАРМОҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА СОДИР ЭТИЛГАН ЭКСТРЕМИСТИК ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖАМИЯТГА КИРИБ КЕЛИШИ.

Нурумбетова Садоқат Аллаяровна
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
Вазирлиги Академияси Дастилабки тергов ва
криминалистика кафедраси доценти подполковник

АННОТАЦИЯ: Мақолада жамиятда мавжуд қонун қоидаларни бузишга уринаётган белгиланган хуқуқ ва мажбуриятлар доирасидан четга чиққан ҳолда таъқиқланган диний экстремистик фаолиятни компьютер тармоқларидан фойдаланган ҳолда фаолият олиб бораётган шахсларнинг хатти-харакатлари юзасидан муаллиф фикри берилган. Шунингдек, ёшлар онгидаги мағкуравий бўшлиқни фойдали ва манфаатли маънавият билан тўлдиришнинг муҳим жихатлари кўрсатилган..

КАЛИТ Сўзлар: дин ниқоби, зўравонлик, бузғунчилик, инсонийлик, ваҳшийлик, сиёсий танглик, экстремистик оқим, тарғибот, хижрат, жамоат, хужра, фуқаро.

Маълумки, бугун мусулмон оламида мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар кечмоқда. Яқин Шарқ ва бошқа ҳудудлардаги қатор мамлакатлар чукур сиёсий танглик, ижтимоий ва иқтисодий бекарорлик ва қуролли тўқнашувларни бошидан кечирмоқда. Мазкур ҳудудларда дин ниқоби остида очикдан-очиқ зўравонлик, бузғунчилик, инсонийликка зид, ваҳшийликларга асосланган амалларга кўл ураётган турли гурух ва жамоалар учриб кетди.

Сўнгги йилларда ақидапараст оқимлар ёшлар ичида фаолиятини меҳнат мигрантларини таъсир доирасига олиш, “хужралар” ташкил этиш, диний экстремистик мазмундаги материалларни электрон кўринишда тарқатиш, интернет орқали тарғибот ўтказиш каби усувларда амалга оширмоқда.

Хорижга иш ахтариб кетган айрим ёшлар экстремистик оқим аъзоларининг таъсирига тушиб, юрга қайтгандан сўнг ён-атрофдагилардан “жамоат” тузишга, уларни “хижрат”га олиб чиқишига қаратилган ҳаракатлар содир этаётгани кузатилмоқда. Албатта, иш жойини танлаш хуқуқи ҳар ким учун кафолатланган, бироқ ҳозирда айрим хорижга кетганларнинг одам савдоси қурбонига айланиб қолаётгани, хору зор бўлиб, бирон нарса ортириб қайтиш ўрнига, боридан ҳам айрилиб келаётгани ҳам бор гап. Энг ёмони, пул топиш истагида хорижга кетганларнинг бальзилари чет элдаги ясама “дин даъватчилари”нинг қармоғига илиниб, соҳта “хижрат” ва “жиҳод” даъватларига учайтгани, уч-тўрт сўм учун Сурия, Афғонистон каби низо ва уруш ўчоқларида кўлларини қонга белаб, ўз она-юргита қурол ўқталиш даражасидаги манқуртга айланиб қолаётгани бу масалага жиддий эътибор қаратиш лозимлигини тақозо қилмоқда. У ерларда дийдаси қотган жаллодларга айланган бу жоҳиллар юргита қурол ўқталиб, ўз халқи, ота-онаси ва диндошларига таҳдид билан дағдаға қилишдек тубанликка юз тутяптилар.

Экспертларнинг хулосаларига кўра, сўнгги 10 йил ичида диний экстремизм ва терроризм туфайли дунё иқтисодиёти 583 триллион АҚШ доллари микдорида зарар кўрган бўлса, 15 йил ичида 100 мингдан зиёд бегуноҳ инсонлар террорчилик хужумлари оқибатида ҳалок бўлган. Фақатгина 2019 йилнинг ўзида дунё бўйича зўравонлик, экстремизм ва терроризмнинг умумий салбий глобал таъсири 14,1 триллион АҚШ долларини ёки жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 11,2 фоизини, иқтисодий зарар эса 33,19 миллиард АҚШ долларини ташкил этган [1].

Экстремистик оқимлар ўз сафига янги шахсларни жалб этишда интернетдаги ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланмоқда. Баъзи ёшларимиз «ўргимчак тўри» орқали террорчи ташкилот, ақидапараст гурухлар таъсирига тушиб қолиши, мутаассиб шахсларнинг маърузаларини дискда ёки кўл телефони хотирасида сақлаб, тинглаб юриш ҳолатлари мавжуд [2]. Айниқса, ҳатто ўсмир ёшдаги болалар жангариларнинг фаолиятини тарғиб қилувчи материалларни телефонда қўлма-кўл қилаётганлари янада ачинарлидир.

Яна таъкидлаш жоизки, тинчликни улуг неъмат, деб эълон қилган динимизда инсон бу йўлда нафакат амал билан, балки сўз билан ҳам зарар келтиришдан кайтарилган [3]. Шу нуқтаи назардан, фуқароларимиз юртимизда тинчлик-хотиржамликни авайлаб-асраш йўлида давлатимизнинг мутасадди идоралари томонидан амалга оширилаётган сайди-харакатларни қўллаб-қувватлашлари ва қўлидан келганча уларга ёрдам беришлари лозим.

Сиёсий хокимиятга интилаётган, диний шиорларни ниқоб қилиб олган ақидапараст



оқимлар Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир ўтказишга ҳаракат қилмоқда. Сўнгги йилларда “жиҳодчилар”, сохта “салафийлар” каби диний-сиёсий гурухлар, шунингдек, “Хизбут таҳрир” диний-экстремистик гуруҳи республикамизда фаол ҳаракат қилишга уринмоқдалар [4].

Хусусан, мутаассиб оқимлар ёшлар ичидағи фаолиятини хорижий мамлакатлардаги меҳнат мигрантларини таъсир доирасига олиш, “Интернет” орқали тарғибот ўтказиш, оила аъзолари, яқинлари ва қўшниларини ўз гурухига тортиш, яширин “хужралар” ташкил этиш, диний-экстремистик мазмундаги материалларни босма, электрон кўринишда тарқатиш каби усуулларда амалга ошироқмокда.

“Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кирилаётган, тайёрланаётган, сақланаётган, тарқатилаётганванамойиштилаётган, оммавийахборотвоситаларида ёки телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатилаётган ва намойиш этилаётган материаллар агар экстремистик фаолиятни амалга оширишга ошкора даъват қиласидиган ёхуд шундай фаолиятни амалга ошириш зарурлигини асослаб берадиган ёки ошкора оқладиган, тарқатиш учун мўлжалланган бўлса қонун хужжатларида белгиланган тартибда суд томонидан экстремистик материаллар деб топилади ҳамда уларни олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намойиш этиш, шунингдек уларни оммавий ахборот воситаларида ёхуд телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш ва намойиш этиш тақиқланади.

Мамлакатимизда бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган экстремизм жиноятларни айримлари ёшлар томонидан содир этилмоқда [5].

Хусусан, 2020 йилда умумий жиноятларнинг ҳар 100 тасининг 2,2 тасини 16-17 ёшдагилар, ҳар 100 та жиноятнинг 15,2 тасини 18-24 ёшдагилар, ҳар 100 та жиноятнинг 19,2 тасини эса 25-30 ёшдаги шахслар содир этган. Эътиборлиси шундаки, 18-30 ёшлилар орасида расмий ишсизлик 17 фоиз ёки 844 минг нафарни ташкил этмоқда (бу умумий ишсизлик даражасидан 1,5 баравар кўп). Ачинарлиси, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган терроризм ва экстремизм жиноятларнинг аксарияти асосан ишсиз шахслар томонидан содир этилмоқда. 2021 йилда мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди. Уларнинг айримлар гуруҳ таркибида экстремизм жиноятларини содир этган шахслар ҳисобланади. Шунингдек уларнинг орасида жазоси енгилроғи билан алмаштирилиб пробация назоратига олинганлари ҳам мавжуд. Мутахассислар фикрича, хозирда 100 мингдан ортиқ экстремизмнинг турли кўринишларини ўзида ташувчи ғоялар тарғиботи билан шуғулланувчи сайtlар фаолият олиб бормоқда. Интернет орқали сухбат олиб бориш жараёнида ёшларга куфр диёри, ҳижрат, жиҳод, шаҳидлик, халифаликни тиклаш каби ғоялар сингдирилиб, улар турли тўқнашув ва низо ўчоқларига жалб қилинмоқда.

Шу нуқтаи назардан, мустақил ҳаётни бошлаётган ёшларимизни турмушда уларни оғир синовлар кутиб турбаётгани, хусусан, бизнинг юртимиз, халқимизга дўст бўлмаган, сохта ғоялар билан ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ўсмирларимизни оиласи ва Ватанидан айриб олиб, ўз манфаатлари йўлида курбон қилишдек ғараз максадлар эга кучлар борлигидан огоҳлантиришимиз биз катталарнинг, айниқса, диний соҳа вакилларининг бурчимиз ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “O’zbekiston”, 2021. – Б.37.
2. Закурлаев А.К. Терроризмга қарши курашнинг криминалистик жиҳатлари: Юрид. фан. док-ри (DSc). дис. ...автореф. – Т., 2018. – 65 с.
3. Ражабова М.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш муаммолари. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 248.
- 4.Исмаилов И. Диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифи ҳамда профилактикаси // Криминология. Махсус қисм: Дарслик. – Т., 2015. – Б. 68-69.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон фармони. – Т. Б – 3.



ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ ЎТАШНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ

Сардоржон Рахмонов

Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси,
sardorjonraxmonovphd@gmail.com

Аннотация.

Мазкур маколада давлат фуқаролик хизмат муносабатларини ташкил етишнинг муҳим таркибий қисми давлат хизматини ўташ ҳақидаги илмий излнаишлар тадқиқ етилган. шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида давлат фуқаролик хизмати соҳасида санаб ўтилган кўплаб муаммолар таҳлил остига олинган. Ундан ташқари, кўрсатиб ўтилган камчиликларнинг аксарияти давлат фуқаролик хизматида хизматни ўташ билан боғлиқлигини инобатга олган ҳолда, мазкур соҳани янада ривожлантиришга оид чора-тадбирлар таҳлил қилинган. Хуносалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар.

Давлат хизмати, давлат фуқаролик хизмати, профессионал хизмат, давлат хизматини ўташ, давлат фуқаролик хизматининг муҳим концепсиялари.

ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАЖДАНСКОЙ СЛУЖБЫ.

Сардоржон Рахмонов

Независимый исследователь Ташкентского
государственного юридического университета,
sardorjonraxmonovphd@gmail.com

Аннотация.

В данной статье были исследованы научные исследования, посвященные переходу государственной службы в важный компонент организации отношений государственной службы. Кроме того, в указе президента Республики Узбекистан "О мерах по коренному совершенствованию кадровой политики и системы государственной гражданской службы в Республике Узбекистан" проанализированы многие проблемы, перечисленные в сфере государственной гражданской службы. Кроме того, с учетом того, что большинство недостатков связано с предоставлением услуг на государственной службе, были проанализированы меры по дальнейшему развитию этой сферы. Были разработаны выводы и предложения.

Ключевые слова.

Государственная гражданская служба, государственная гражданская служба, професиональная служба, стажировка на государственной службе, важные концепции государственной гражданской службы.



THE LEGAL NATURE OF THE STATE CIVIL SERVICE.

Sardorjon Rakhmonov
Independent researcher of Tashkent State
University of law,
sardorjonrakhmonovphd@gmail.com

Annotation.

In this article, scientific research on the transition of civil service to an important component of the organization of Civil Service relations has been investigated. In addition, the decree of the president of the Republic of Uzbekistan "on measures to radically improve the personnel policy and the system of the state civil service in the Republic of Uzbekistan" analyzed many problems listed in the field of state civil service. In addition, taking into account the fact that most of the shortcomings are associated with the provision of services in the civil service, measures for the further development of this sphere have been analyzed. Conclusions and suggestions have been developed.

Keywords. State civil service, state civil service, professional service, civil service internship, important conceptions of the state civil service.

Давлат фуқаролик хизмат муносабатларини ташкил этишнинг муҳим таркибий қисми давлат хизматини ўташдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида давлат фуқаролик хизмати соҳасида кўплаб муаммолар санаб ўтилган¹. Кўрсатиб ўтилган камчиликларнинг аксарияти давлат фуқаролик хизматида хизматни ўташ билан боғлиқдир. Бу эса ушбу соҳани тадқиқ қилиш долзарблигини оширади.

Давлат фуқаролик хизмати ўташ масалаларини назарий ва ҳуқуқий ўрганиш давлат хизмати тушунчаси, мақсади, вазифалари ва тамойилларини шакллантиришга имкон беради. Бу нафақат давлат хизмати учун, балки ҳар бир давлат хизматчиси учун ҳам муҳим аҳамиятга эга, унинг ҳуқуқий мақоми айнан давлат хизматидан ўташ пайтида амалга оширилади.

Таъкидлаш лозимки, аксарият олимлар томонидан “давлат фуқаролик хизматини ўташ” тушунчаси эмас, балки “давлат хизматини ўташ” борасида фикрлар билдириш ҳолатлари кўп учрайди. Илмий-назарий жиҳатдан умумий маънода давлат фуқаролик хизмати давлат хизматининг таркибиға киради. Шу нуқтаи назрдан, тадқиқот ишида давлат хизматини ўташ тушунчасини таҳлил қилинган олимлар фикридан келиб чиқсан ҳолда давлат фуқаролик хизматини ўташ тушунчасини таҳлил қиласиз.

Э.Хожиевнинг фикрича, давлат хизматини ўташ – давлат хизмати институтининг муҳим таркибий қисми бўлиб, мазкур даврда давлат аппарати ходимларининг ҳуқуқий, ижтимоий ва лавозим мавқеи шаклланади. Давлат хизматини ўташ узок давом этувчи жараён бўлиб, давлат-хизмат муносабатлари вужудга келиши билан бошланади, яъни хизматчини давлат аҳамиятига молик лавозимга тайинлаш вактидан бошланади ва бир қатор жараёнларни ўз ичига олади: синов муддати, аттестация, мунтазам равишда малака ошириш ва қайта тайёрлаш, рафбатлантириш ва жавобгарлик, истеъро ёхуд нафақага чиқиш².

Давлат хизматини ўташ давлат хизматчисининг ҳуқуқий ҳолатига таъсир кўрсатувчи юридик фактлар ва ҳокимиёт субъектлари индивидуал актларининг тизимиdir. У давлат лавозимини эгаллаб турган шахснинг хизмат ҳолатининг ўсишидир³.

Давлат хизматини ўташ – хизмат ўташнинг асосий мазмуни, босқичлари, тартиб ва жараёнларини белгилаб берувчи ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий чора-тадбирлар тизими хисобланади. Давлат-хизмат ваколатларини амалга ошириш жараёнида, давлат ва давлат

1 Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 06/21/6256/0636-сон

2 Хожиев Э. Т. Давлат хизмати : ўкув қўлланма / Э. Т. Хожиев, Г. С. Исмаилова, М. А. Рахимова. – Тошкент: Baktria press, 2015. - 65 б.

3 Мирбобоев Б., Хусанов О., Бегматов А. Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. “Akademiya” нашриёти, Тошкент, 2005 йил. Б.84



хизматчилари ўртасида вужудга келадиган муносабатлар мажмуи мужассам этилган¹.

Давлат хизматини ўташ институти – бошқарув аппаратига ходимларни танлашдан, хизмат бўйича ҳаракатланишни амалга оширишдан, давлат хизматидан бўшатиш услубларини ўрнатиш ва амалга оширишдан бошланади².

Юқоридаги фикрлардан кўриш мумкинки, давлат хизматини ўташ тушунчаси борасида ягона ёндошув мавжуд эмас. Мазкур фикрлардан қуйидагича хусусиятларни ажратиб олиш мумкин:

давлат фуқаролик хизматини ўташ узоқ вакт давом этувчи жараён;

давлат фуқаролик хизматини ўташ индивидуал актлар доирасида тартибга солинувчи муносабат;

давлат фуқаролик хизматини ўташ давлат хизматчилар ўртасида юзага келадиган муносабатлар мажмуи.

Давлат хизматини ўташдан мақсад, авваламбор, давлатнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш механизми сифатида, давлат хизмати институтининг, самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, давлат хизматчисининг хизмат бўйича ўсиш ҳуқуқини амалга ошириш ва ўз билим, малака ва қобилияtlаридан эркин фойдаланишдан иборат.

Давлат хизматини ўташ давлат хизмати институтининг асосий элементи бўлиб, унда давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми амалга оширилади. Хизматни ўташ бир бутун жараён бўлиб, бу жараён қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

давлат хизматига қабул қилиш;

давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш;

малака даражалари ва маҳсус унвонлар бериш;

давлат хизматчисини бошқа лавозимга ўтказиш;

давлат хизматчисини рағбатлантириш;

давлат хизматчисининг жавобгарлиги;

давлат хизматининг тугатилиши³.

Бу босқичларни шартли равишда икки гурухга бўлиш мумкин:

мажбурий босқичлар – хизматга қабул қилиш, аттестациядан ўтказиш, малака даражалари ва маҳсус унвонларни бериш, хизматни тугатиш;

факультатив босқичлар – бошқа лавозимга ўтказиш, рағбатлантириш, жавобгарликка тортиш⁴.

Мажбурий босқичлар шундай босқичларки, давлат хизматига қабул қилинган ходим бу босқичларни албатта ўтайди. Бу босқичлар ҳар қандай ходим учун мажбурий ҳисобланади. Факультатив босқичларни ўташ эса ходимнинг ўз иш фаолиятига боғлиқ. Масалан, ходим яхши ишласа рағбатлантирилиши мумкин, ҳуқуқбузарлик содир этса жавобгарликка тортилади.

А.Р.Кореневнинг таъкидлашича, давлат фуқаролик хизматининг ўташ давлат-хизмат муносабатларининг юзага келиши, ўзгариши ва бекор қилинишига олиб келадиган ҳуқуқий фактлар тизимиdir. Унга давлат хизматига қабул қилиш, сертификатлаш, рағбатлантириш, уларнинг жавобгарлиги ва давлат хизматини тугатишни киритади⁵.

Д.М.Овсянко давлат фуқаролик хизматининг ўташни давлат хизматчисининг расмий ва ҳуқуқий мақомининг ўзгариши деб баҳо беради. Унга давлат хизматига қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш, маҳсус унвонни бериш, сертификатлаш, давлат хизматидан четлаштириш, давлат хизматчиси сифатида амалдаги қонунчилик муайян ҳуқуқлар, имтиёзлар ва афзалликларни боғлайдиган бошқа фактик маълумотларни киритади⁶.

1 Черепанов В.В. Основы государственной службы и кадровой политики. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012. С.167.

2 Аппарат управления государства. Ч.2. –М. 1997. С. 205.

3 Хожиев Э. Т. Давлат хизмати : ўқув қўлланма / Э. Т. Хожиев, Г. С. Исмаилова, М. А. Рахимова. – Тошкент: Baktria press, 2015. - 66 б.

4 Мирбобоев Б., Ҳусанов О., Бегматов А. Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. “Akademiya” нашриёти, Тошкент, 2005 йил. Б.84.

5 Коренев А.П. Административное право России. Учебник. В 3-х частях. Часть I. М.: МЮИ МВД России. Щит-М, 1999. С. 120.

6 Овсянко Д.М. Государственная служба Российской Федерации: Учебное пособие. М.: Юристъ, 2002. С. 98.



Демак, давлат хизматини ўташ давлат хизмат муносабатларини юзага келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади. Мазкур муносабатлар бир қанча элементларни ўз ичига олади.

Маъмурӣ ҳуқуқ назариясида давлат фуқаролик хизматини ўташ унинг элементлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Бу борада Д.Н.Бахрахнинг таъкидлашича, давлат фуқаролик хизматини ўташнинг асосий элементлари қаторига қўйидагилар киритади: 1) давлат хизматига қабул қилиш; 2) сертификатлаш ва малака ошириш; 3) марта даражасини бериш; 4) бошқа лавозимга ўтказиш; 5) рафбатлантириш; 6) жавобгарлиги; 7) хизматни тугатиш¹.

В.Б.Черепанов эса давлат фуқаролик хизматини ўташнинг элементларига 1) давлат хизматига қабул қилиш, 2) хизматда бўлиш (хизмат мартабаси), 3) давлат хизматини тугатиш кабиларни киритади².

В.Б.Гайдов давлат фуқаролик хизматини ўташ элементлари сифатида хизматга қабул қилиш, синовдан ўтиш, касбий тайёргарлик, давлат лавозимларини тўлдириш, малака ошириш ва маҳсус даражаларни бериш, рафбатлантириш, сертификатлаш, хизмат кўрсатиш шартлари, рафбатлантириш ва жавобгарлик, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя, давлат хизматини тугатиш ва бошқаларни киритади³.

Шундай қилиб, давлат фуқаролик хизматининг ўташ юқоридаги муаллифлар томонидан "кенг" маънода, фуқароларни давлат хизматига қабул қилиш, хизматда бўлиш ва уларни тугатиш учун давлат-хизмат муносабатлари мажмуаси сифатида қаралади.

Бизнингча, давлат фуқаролик хизматининг элементларини икки гурухга ажратган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, давлат фуқаролик хизматини ўташдан олдинги муносабатлар боғлиқ элементлар ва бевосита давлат фуқаролик хизматини ҳақиқий ўташ билан боғлиқ элементлар.

Давлат фуқаролик хизматини ўташдан олдинги муносабатлар боғлиқ элементларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

фуқаронинг бўш давлат хизмати лавозимини эгаллаш учун танловда бевосита иштирок этиши;

давлат органининг кадрлар захирасига қўшилиши.

Бевосита давлат фуқаролик хизматини ҳақиқий ўташ билан боғлиқ элементларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

фуқароларни давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш;

давлат фуқаролик хизматчиларининг қўшимча касбий таълими;

давлат фуқаролик хизматчилари томонидан бошқа давлат хизмати лавозимларини алмаштириш;

давлат фуқаролик хизматчиларини рафбатлантириш;

давлат фуқаролик хизматчиларининг жавобгарлиги;

давлат хизмати тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши устидан давлат назорати;

давлат фуқаролик хизматини тугатиш;

давлат хизматида индивидуал хизмат низоларини ҳал қилиш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, давлат фуқаролик хизматини ўташ тушунчаси илмий таҳлил қилишга муҳтоҷ бўлган тушунча ҳисобланади. Ўз навбатида, мазкур соҳадаги амалдаги қонунчилик ҳам мукаммал деб бўлмайди. Бу эса бугунги кунда кенг муҳокамага сабаб бўляпган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунни тезроқ қабул қилиш эҳтиёжини оширмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Конунчилик маълумотлари миллый базаси, 06.07.2021 й., 06/21/6256/0636-сон
2. Хожиев Э. Т. Давлат хизмати : ўқув қўлланма / Э. Т. Хожиев, Г. С. Исмаилова, М. А. Рахимова. – Тошкент: Baktria press, 2015. - 65 б.
3. Мирбобоев Б., Ҳусанов О., Бегматов А. Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил

1 Бахрах Д.Н. Административное право России. Учебник для вузов. М.: НОРМА, 2000. С. 241.

2 Черепанов В.В. Основы государственной службы и кадровой политики: учеб. пособие для студентов. М.: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2008. С. 155.

3 Гайдов В.Б. Служба в органах внутренних дел как разновидность федеральной государственной службы: дис. ... канд. юрид. наук. Омск, 2001. С. 115.



етишнинг ташкилий-хуқуқий масалалари. “Akademiya” нашриёти, Тошкент, 2005 йил. Б.84

4. Черепанов В.В. Основы государственной службы и кадровой политики. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012. С.167.

5. Аппарат управления государства. Ч.2. –М. 1997. С. 205.

6. Хожиев Э. Т. Давлат хизмати : ўқув қўлланма / Э. Т. Хожиев, Г. С. Исмаилова, М. А. Рахимова. – Ташкент: Baktria press, 2015. - 66 б.

7. Мирбобоев Б., Ҳусанов О., Бегматов А. Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ташкилий-хуқуқий масалалари. “Akademiya” нашриёти, Тошкент, 2005 йил. Б.84.

8. Коренев А.П. Административное право России. Учебник. В 3-х частях. Часть I. М.: МЮИ МВД России. Щит-М, 1999. С. 120.

9. Овсянко Д.М. Государственная служба Российской Федерации: Учебное пособие. М.: Юристъ, 2002. С. 98.

10. Бахрах Д.Н. Административное право России. Учебник для вузов. М.: НОРМА, 2000. С. 241.

11. Черепанов В.В. Основы государственной службы и кадровой политики: учеб. пособие для студентов. М.: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2008. С. 155.

12. Гайдов В.Б. Служба в органах внутренних дел как разновидность федеральной государственной службы: дис. ... канд. юрид. наук. Омск, 2001. С. 115.



ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ХУСУСИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАВСИФИ

Урманбаева Ферузахон Саттаровна

Наманган давлат университети

Адвокатлик фаолияти факультети магистри

Телефон: +998 905287555

Jasmina07@mail.ru

Аннотация: Ушбу тезисда муаллиф амалдаги маколада қонун хужжатларини таҳлил қилиш асосида васийлик ва ҳомийлик органлари ва уларнинг хусусий-хуқуқиي тавсифига тўхталиб ўтган.

Калит суз: Васийлик, ҳомийлик, вояга емаганлар, вакил, ваколат, муомала лаёқати.

Васийлик ва ҳомийлик бўйича муносабатлар субъектлари ўзаро муайян алоқадорлиқда бўладилар. Бундай алоқаларнинг негизида маънавий-ахлоқий ва хуқуқиي асослар ётади. Хуқуқиي тартибга солиш ёрдамида васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг манфаатларини муҳофаза ва ҳимоя қилишига эришилади¹.

Васийлик ва ҳомийлик муносабатларида иштирок этувчи субъектлар бўлиб, васийлик ва ҳомийлик органлари, васий ва ҳомийлар ҳамда васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар ҳисобланади.

Васийлик ва ҳомийлик муносабатлари субъектлари ўзаро муайян алоқадорлиқда бўладилар. Ушбу муносабатларнинг негизида маънавий-ахлоқий ва хуқуқиي асослар ётади. Айнан хуқуқиي тартибга солиш ёрдамида васийлик ёки ҳомийликдаги шахслар учун зарурӣ майший шароит яратиш, уй-жой, одатдаги уй шароити билан таъминлаш, улар учун маънавий ҳордиқ шароитларини яратиш соҳасидаги манфаатлар муҳофазаси ва ҳимоясига эришилади. Хуқуқ нормаларига таянган ҳолда васийлик ва ҳомийлик органлари васий (ҳомий) ларнинг улар тарбиясига берилган болаларга нисбатан фаолияти назорат қилинади.

Фикримизча, васийлик ва ҳомийлик муносабатлар биринчи навбатда, васий (ҳомий) билан васийлик (ҳомийлик) даги шахс ўртасидаги ўзаро яқинлик ва алоқадорликни юзага келтирас экан, муайян маънода оилавий муносабатларга ўхшашиб бўлган ижтимоий муносабатларни юзага келтиради. Бунда васий ўз васийлигидаги шахснинг тарбияси, кундалик майший аҳволи, соғлифи, таълим олиши (вояга етмаган болаларга нисбатан) учун масъул ҳисобланади, бу мажбурият болага нисбатан ота-онанинг бурчи ҳисобланади. Шу боис васийлик ва ҳомийлик бу аввало оилавий ҳаётнинг “суррогат” қўриниши, васийлик ва ҳомийликдаги ички хуқуқиي муносабатлар эса ота-она ва болалар ўртасидаги хуқуқиي муносабат “суррогати” ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, васийлик ва ҳомийликдаги ички хуқуқиي муносабатлар оилавий-хуқуқиي тус касб этади.

Васийлик ва ҳомийликдаги ташқи муносабатлар фуқаролик-хуқуқиي тус касб этиши борасидаги фикрлар эса асослидир. Чунки, бунда васий (ҳомий) васийлик (ҳомийлик) даги шахснинг хуқуқ ва манфаатларини амалга оширад экан, учинчи шахс билан муносабатда вакил сифатида қатнашади ва юзага келадиган хуқуқ ва мажбуриятлар учун қонуний вакил мажбуриятларига эга бўлади.

“Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси иккинчи қисмига биноан, васийлик ва ҳомийлик бўйича фаолият:

туман, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиши бўлимлари томонидан — вояга етмаганларга нисбатан;

туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари томонидан — суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларга нисбатан;

туман, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан — соғлигининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга нисбатан амалга оширилади.

Шу билан бирга, мазкур модданинг тўртинчи қисмida васийлик ва ҳомийлик органлари сифатида консуликт муассасалари ҳам назарда тутилган. Унга кўра, Ўзбекистон

1 Книга: Семейное право України / Гопанчук В.С.<http://lybs.ru/index-232.htm>.



Республикасининг консуллик муассасалари Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшайдиган, ота-онасининг қаромоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек соғлигининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз хуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда васийлик ёки ҳомийлик белгилаш чора-тадбирларини кўради.

Васийлик ва ҳомийлик органлари комплекс тусга эга бўлган васийлик ва ҳомийлик муносабатлари юзага келишига қаратилган ташкилий-хуқуқий харакатларни амалга оширишга қаратилган фаолиятни олиб боради. “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасида васийлик ва ҳомийлик органларининг вазифалари белгиланган бўлиб, мазкур вазифалар моҳият ва мазмун жиҳатидан ташкилий-хуқуқий тусга эга. Кейинги йилларда юридик адабиётларда фуқаролик хуқуқи предмети таркибига мулкий ва шахсий номулкий муносабатлар билан бирга ташкилий-хуқуқий муносабатлар кириши лозимлиги хусусидаги фикрлардан¹ келиб чиқилса, васийлик ва ҳомийлик органларининг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни фуқаролик хуқуқи предмети таркибига киришини таъкидлаш мумкин.

Васийлик ва ҳомийлик органларининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунда санаб ўтилган асосий вазифалари қуидагилардир:

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳисобга олиш²;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг зарур ҳужжатларини тайёрлаш ва уларни жойлаштириш;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги ҳамда васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш;

васийлар ва ҳомийларнинг мажбуриятлари бажарилишини, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг таъминоти, уларга тарбия ва таълим бериш шароитларини, шунингдек мол-мулки бут сақланишини таъминлаш устидан назорат қилиш.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг зарур ҳужжатларини тайёрлаш ва уларни жойлаштириш бўйича васийлик ва ҳомийлик органларининг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги низомнинг 78-82-бандлари белгиланган бўлиб, ушбу бандларга кўра, васийлик ва ҳомийлик органлари васийлик ёки ҳомийлик белгиланаётган бола тўғрисида қуидаги ҳужжатларни туман, шаҳар ҳокимлигига тақдим этадилар:

а) туғилганлик ҳақида гувоҳнома (паспорт) нусхаси;

болаларнинг ота-она қаровисиз қолганлик ҳолатини тасдиқловчи қуидаги ҳужжатлардан бири:

ота-онасининг ўлими ҳақида гувоҳномалар нусхаси;

ота-онасининг ёки улардан бирининг ота-оналий хуқуқидан маҳрум этилганлиги, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги ёхуд бедарак йўқолган деб топилганлиги ҳақида суд қарори;

ота-оналарнинг болаларни тарбиялашдан ва таъминотидан бўйин товлаганлиги, ота-оналарга қидирав эълон қилинганлиги ҳақида ҳужжатлар, ички ишлар органлари, даволаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларнинг болаларнинг ота-онализ қолганлиги тўғрисидаги далолатномалари;

б) соғлиғи тўғрисида тиббий муассаса (тиббий-маслаҳат комиссияси)нинг хulosаси;

в) васийлик ёки ҳомийлик белгиланаётган шахснинг турар жойи, мол-мулки тўғрисидаги маълумотлар;

г) васийлик ва ҳомийлик органининг васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг, шунингдек васийлик ёки ҳомийликка олиш истагини билдирган шахснинг турмуш шароитлари, оила аъзоларининг саломатлиги ва оиланинг бошқа шароитлари

¹ Топилдиев В.Р. Фуқаролик ташкилий-хуқуқий муносабатларнинг назарий ва амалий муаммолари. – Тошкент: ЎзМУ, 2011.

² Васийлик ва ҳомийлик органларининг ушбу вазифаси 2.3. параграфда батафсил таҳлил этилган.



тўғрисидаги текширув далолатномалари;

д) васийлик ва ҳомийлик органининг васий ёки ҳомий белгиланишига муҳтоҷ шахсларга нисбатан васий ёки ҳомий белгилаш зарурлиги, висий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг висий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкинлиги тўғрисидаги хуносалари.

Васийлик ва ҳомийлик органлари муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқаролар, соғлигининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтоҷ бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқаролар тўғрисида қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;

шахснинг муомала лаёқати чекланганлиги ёки муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилгани тўғрисидаги суд қарори (муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз шахслар учун);

даволаш муассасасининг (врачлик-маслаҳат комиссиясининг) фуқаронинг соғлифи тўғрисидаги хуносаси;

васийлик ва ҳомийлик органининг висийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтоҷ бўлган шахснинг, шунингдек висийлик ёки ҳомийликка олиш истагини билдирган шахснинг турмуш шароитлари тўғрисидаги текширув далолатномаси;

васийлик ва ҳомийлик органининг висий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг висий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкинлиги тўғрисидаги хуносаси.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 1-ҚИСМ

Масъул мұхаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.07.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000